

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 16 март, чоршанба № 43 (1884)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



ПРЕЗИДЕНТ СЛОВЕНИЯГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 март кuni расмий таширф билан Словения Республикасига жўнаб кетди.

Словения Европадаги иқтисодий имкониятларга эга мамлакатлардан бири, деди давлатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида. Словения иқтисодий ва сиёсий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириб бормоқда. 2004 йил мамлакатнинг янги ички маҳсулот ҳажми тахминан 28 миллиард АҚШ долларига етган.


Ислам Каримов Ўзбекистон Европа давлатлари, хусусан, Словения билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Словения яқинда НАТОга қабул қилинди, Европа Иттифоқининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. У иқтисодий фаолиятини янада кенгайтириш, Европа бозори имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Словения

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига Биноан Вилоятда Икки ойлик Ободлаштириш ва Қўламазорлаштириш Тadbирлари Кизгин Давом Этимоқда. Жумладан, Умумхалқ Ҳашарига Кизгин Тайёргарлик Қўрилмоқда. Республика «Маҳалла» Жамғармасининг Андижон Вилояти бўлими Аҳолини 19 мартда Ўтказиладиган Ҳашарда Фаол Иштирок Этишига Чақирди.

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Вилоятдаги 843 маҳаллада 400 мингдан ортқ оила истикомат қилади, - дейди



(ЎЗА)

«Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими раиси Уктамжон Ҳайдаров. - Агар бу оилаларнинг ҳар бири аъзоси биттадан кўчат ўтказса, катта боғ пайдо бўлади. Марҳамат туманидаги Қовунчи қишлоғида ҳам янги истроҳат боғи барпо этилади. Туман ҳокимлиги ушбу боғ учун ер ажратди. Бу ерда биринчи кўчатлар умумхалқ Ҳашари кuni ўтказилади. Қишлоқнинг ҳар бир фуқароси ушбу хайрли ишга ўз хиссасини қўшишга тайёр.

БОБОТОҒ ЭТАКЛАРИДА ЧЕЧАКЛАР

Баланд Боботоғ ортида. Узун туманининг қуёш чиқар тарафида, янаям аниқроғи Қофарниҳон дарёси бўйида Малик деган қадимий қишлоқ бор. Гарчанд аксарият жойи асфальтланган бўлса-да, йўли анчайин мураккаб. Қишлоққа олиб борадиган баланд Боботоғни ошиб ўтмоқ учун «бел» бақувват автоулов ва юраги катта хайдовчи ҳам керак. Оз эмас, кўп эмас, бир юз ўн километрик тоғ йўлини босиб ўтсангиз Маликка етиб борасиз.

Биз қишлоқда шу йил март ойларининг бошларида бўлиб қайтдик. Баҳор бу тарафларга анча эрта келаркан. Боботоғ бағридаги ёввойи бодомлар авж гўллаб, тоғнинг баланд-пастини, адирларни кўм-кўк майсалар қоплашга улгурибди. Қофарниҳон дарёси бўйларидида қарий элли километр масофада «Боботоғ» фермер хўжалиқлари уюшмасига қарашли Қомаччи, Малик, Икки кам ўттиз каби ўнлаб қишлоқлар жойлашган. Бу қишлоқларнинг одамлари хали баҳор бошланмасдан аввал Наврўзга тайёргарликни бошлаб юборишган экан. Чунки бу ерларда баҳор анча олдин нишона бериб улгурган. —Одамларимиз аллақачон баҳор ва Наврўз қайиғиятида юришибди,—деди «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Чори Боиров. — Маҳалламизда яшайдиган 410 та оиланинг барчаси қўламазорлаштирилган бўлиб, март ойининг бошига қадар ма-

халламиз худудидида 4 минг 600 метр арик, зовурни қазиб, тозаладик. Шунингдек, 1 минг 360 туپ мевали, яъни ўрик, бодом, олма, хурмо кўчатлари, 460 туپ тоқ кўчати, 2 минг 500 туپ манзарали дарахт кўчатлари экдик. Бундан ташқари, фермер хўжалиқларининг дала-ларига 40 тонна маҳаллий ўғит ҳам чиқариб тўқдик. Чунки бизда чорва моллари кўп. Қолаверса, маҳаллий ўғитни далага чиқариш билан бир вақтда ховлилар ҳам тоза бўлди. Қор, ёмғир сувлари ювиб кетган қишлоқ йўлларини текислаб, тош ётқиздик. Бизда барча ишлар ҳамжихатликда, ҳашар йўли билан амалга оширилади. Қовунчи ҳам, ташвишни ҳам биргаликда баҳам кўрамиз. Аҳуллиқда гап кўп. 2004 йилнинг 11 июль кuni Боботоғда, аниқроғи, Бибиҷекка масивидида кимларнингдир лоркайдлиги оқибатида ёнгин чиққан эди. Шунда наинки маҳалламиздагилар, балки дарё бўйида яшайдиган барча қишлоқларнинг халқи ўт-

балосини бартараф этишга отланди. Қўлга олов ҳам бас келолмас экан. Ўт балоси билан роса ўттиз бир соат қурашдик ва ниҳоят, ёнғидик. Афсуски, шу ёнгин туфайли минг гектардан ошикроқ майдондаги ўрмон ёниб кул бўлди. Агар халқ бирлашиб ўтни ўчирмаганида эди, талофат бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди. Маҳалла раисининг айтишича, ҳар йили Наврўз арафасида қадимий ўтовлар тикланади. Дошқозонларда сумалаклар қайнайдик, турли таомлар пишиб ётади. Ёшу қарининг, ётим-ёсирнинг ва беморларнинг оғзи қўлама таомлари билан баравар тегади. Наврўзи айтганининг қувончлари барчага бирдек татийди. Шунда дунё яшаргандек бўлади, шунда кўнглилар яшаради. Боботоғнинг этаклари бир бошқаки бўлади. Яна раис айтидики, шу кунлари миллий кураш бўйича беллашувлар, шохмўт-шарҳ бўйича мусобақалар ҳам ўтказилиб, тоғли халқнинг қадимий қўшиқлари, рақслари ижро этиларкан. Тоғ этагидаги, қолаверса, Қофарниҳон дарёси бўйидаги одамлар Наврўзни ана шу тариқа кутиб олишаркан.

Маҳмуд АБУЛҒАЙ

ЗАМОНАВИЙ КОЛЛЕЖЛАР, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР Ёшларга катта имконият

Халқимизнинг эзгу орзуси бўлиши баркамол авлодни тарбиялашда мураккаб ва олижаноб ишга ўз хайтини бағишлаган устоз-мураббийлар, маънавий ва маърифат фидойилари меҳнати ва заҳмати Алишер Навоий ҳазратлари лутф этганларидек, ҳеч қандай ганжу-ҳазина, бойлик билан ўлчаб, адо қилиб бўлмайди. Зотан, бу ёруғ оламда онадек меҳрибон, отадек улуғ бу зотлар бор меҳр ва қалб кўрени болағарга бериб, улар хайтига маъно бағишлаш учун ўз ором ва ҳаловатидан воз кечиб, дунёда

илм ва маърифатдан қудратлироқ куч йўқ эканлигини исботлаб келмоқдалар. Жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида олиб борилаётган ислохотларни хайтига изчил татбиқ этаётган Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма Марказий қўмитаси ана шундай заҳматқаш ва фидойи соҳа ходимлари, профессор-ўқитувчилар, педагоглар, талабалар, олимлар ва тармоқ ходимлари манфаатларини ифодалайдиган

оммавий ташкилот ҳисобланади. — Давр шиддат билан илгариларимизга, бу қасаба уюшмалари зиммасига иш услубларини янада такомиллаштириш, иходкорлик, ҳар ишда ташаббускор ва фидойи бўлишни талаб этимоқда, — дейди Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Носирхон Акбаров. — Эзгу ишларни амалга ошириш учун фаолиятимизни янгилаш услуб, янгила-

талаб, янгила тартиб асосида олиб боришга, олдидида турган муаммоларни ўз кўчимиз билан, зарур бўлса тегишли вазирликлар, қасаба уюшма Федерацияси билан биргаликда ҳал этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Зеро, «Инсонга маф келтириш – олий бахт» ҳикматида амал қилган қасаба уюшмаларининг жамиятга хайтида таъсирини кучайтириш, унинг роли, вақолати, ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва пировард натижада унинг тўла мустақиллигини таъминлаш асосий бурчимиздир. (Давоми 2-бетда)

Ховли тўйи Навоий шаҳридаги «Кизилқумуқ» ҳиссадорлик жамияти Наврўз байрами арафасида ўз маблагини хисобига қўрилган иккита етти қаватли тураржойни фойдаланишга топширди. Уни «Трест-2000» ҳамда «Кизилқумуқ»га қарашли қурилиш-таъмирлаш бошқармаси қурувчилари бунёд этди. Корхонанинг энг илғор, кўп болали, қаровчисини йўқотган 58 нафар ишчиси Наврўз байрамини янги, ширар ва қулай уйларда нишонлайдиган бўлди. (ЎЗА)

ШУҚУҲИ ЎЗГАЧА

Сурхондарёликлар халқимизнинг сеvimли байрами - Наврўзи оламни интиқлик билан кутмоқда. Умумхалқ сайли ўтказиладиган Алтомаш мажмуаси ва амфитеатри байрам тантаналарига таъмин.

Вазирлар Маҳкамаси Фармойишига мувофиқ Наврўз арафасида ўтказиладиган, халқимизнинг абадий қадриятларини ўзида мужассамлаштирган умумхалқ Ҳашарида вилоят бўйича 720 мингдан зиёд киши иштирок этиши кутилмоқда. Шу кuni 840 гектар майдонда ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш ишлари бажарилди. Салкам тўрт юз километрик арик ва зовурлар тозаланади, уч юз минг тул манзарали, 180 минг тул мевали дарахт ниҳоллари, 250 минг тулдан зиёд гул кўчатлари ўтказилади. Зибратгоҳлар ободонлаштирилиб, қабристонлар тартибга келтирилади. Азалий удумларимизга биноан шу кuni эҳтижманд оилалар, ногирону беморлар ҳолидан хабар олинади. (ЎЗА)

МИЛЛИЙ ОНГ ВА ШУУРИМИЗ ЧАРОҒБОНИ

Буёқ шоир, мутафаккир Алишер Навоийнинг бой ва бебаҳо мероси эсрлар мобайнида аждодаларимизни эзгуликка, меҳр-мурувватга, тинчлик ва дўстликка даъват этиб келган. Бобур Мирзо ёзади: «...туркий тил билга то шеър айтибдулар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас.» Бу ҳақда шоирнинг ўзи «Лисонут-тайр»да:

Наму насрим котиби тахминшунос
Эса, юз минг байт этар эрди қисс,
—деб ёзган эди.
Алломанинг асарлари нафақат микдор жиҳатидан, балки мазмун-моҳияти бўйича ҳам беқиёс аҳамият касб этади. Унинг бадиий ва илмий асарлари юзлаб олимлар томонидан ўрганилган, тадқиқ этилган.

Филология фанлари доктори Иброҳим ҲАҚҚУЛ Билан суҳбатимиз ҳазрат Навоийнинг бой маънавий меросини ўрганиш, унинг бунгунги аҳамияти хусусида кеҗди. — Мамлакатимиз мустақилликка эришган, улуг бобоқалонимиз шахсияти ва ижодига муносабат тубдан ўзгарди. Ҳазратнинг бой адабий меросига тўлақонли ва ҳаққоний ёндашиш имконига эга бўлдик. У зотнинг ижодини янада чуқурроқ ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар қилинапти, илмий изланишлар қўлама янада кенгаймоқда.

Алломанинг мукаммал асарлар тўплами илгари ҳам нашр этилган, бироқ ўша даврдаги мафкура нуқтаи назаридан асарлардаги бутун-бутун бўлбар тушириб қолдирилган. Мустақиллик йилларида Навоийнинг йигирма жилдли мукаммал асарлар тўпламини тўлалигича чоп этиш ишлари якунига етди.

Ҳар йили навоийшунос олимлар томонидан янги-янги илмий мақолалар, рисоалар яратилмоқда. Қувонарлиси шундаки, сафимизга ёш адабиётшунос олимлар қўшилмоқда. Улар қаторида Нодир Рамазон, Насиба Бозорова, Эргаш Очилов сингари умидли навоийшуносларни санаб ўтиш мумкин. Демак, Навоийни ўрганиш, уни янада чуқур аниқлаш борасидаги изланишлар изчил давом этаётди.

Сизнингча, улуг бобоқалонимиз ижодининг қайси қирраларини янада чуқурроқ тадқиқ этиш лозим? — Ҳазрат ижодиётини бепоён уммонга қиёслаш мумкин. Унинг тубида беҳисоб жавоҳирлар бисёр. Бироқ Навоий оламни ҳали-хануз

тўла забт этолганимиз йўқ. Меросини ўрганиш асосида ҳар доим янгидан-янги кашфиётлар қилиш мумкин. Навоий бадииятини олайлик. Унинг ҳар бир байти, мисрасини тадқиқ этишининг ўзи жуда катта изланишларни талаб этади. Мана унинг машҳур бир байти:

Юзюда терни кўриб ўлсам,
эй рафиқ, мени
Гулб ола юву, гул бағридин
кафан қилгил.

Бир қараганда тушунарли ва раво мисралар. Аммо ҳазрат бу байтда нима демоқчи бўлганлар? Бу ҳақда қатор тахмин ва талқинлар айтилган. Лекин ҳануз ягона тўхтамаг келингани йўқ. Зеро, бу осон иш эмас.

Навоийнинг сўз танлаш ва қўллаш маҳорати, шеърини янада терефан фалсафа, диний-маърифий қарашлар, Навоий ва жаҳон адабиёти... Бу йўналишлар бўйича хали қанчадан-қанча янги уфқларни очиш мумкин.

— Шоирнинг ҳозирга қадар топилмаган ёки бизгача етиб келмаган асарлари ҳам борми? — Навоий умрининг охирида ёзган «Муҳокаматул-луғатайн» ва «Мезонул-авзон» асарларида узининг барча асарлари мундарижасини берган. Уларнинг бари Навоийнинг мукаммал асарлар тўпламига киритилган. Бироқ, бу Навоийнинг ҳамма асарлари бизнинг қўлимизда, деган хулосани бермайди. Маълумки, Навоий ҳаётлик чоғида ва ундан кейин ҳам кўп асарлари, девонлари қайта-қайта кўчирилган. Уларнинг нусхаларини дунёнинг турли мамлакатларидан топиш мумкин, деб уйлайман. Сабаби - бундан бир неча йил илгари Ҳамид Сулаймонов ва Фозила Сулаймонова томонидан Навоийнинг бир қанча янги газали топилган ва чоп этилган эди. Бу борадаги изланишлар яна давом эта-тирилса, ўз самарасини беришига ишонаман. (Давоми 4-бетда)

Ўзбекистон енгил, меbel саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари қасаба уюшмаси қурултойидан

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, жамиятни демократиялаш ва янгилаш ҳар биримиз учун устувор вазифа бўлиб қолаверганини алоҳида таъкидлади. Бу демак, бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган кенг қўламли тadbирларни хайтига изчил татбиқ этишда меҳнатқашлар ҳаққуқининг устувор ҳимоячиси бўлиши қасаба уюшмаларига ҳам катта масъулият юқлайди.

Уюшқоқлик, ўзаро талабчанлик вазиятда ўтган қурултойда ҳисобот маърузаси қилган Марказий қўмита раиси М.Одилмурод, музокарада сўзга чиққан нотикалар юқорида қайд этилган долзарб масалаларни амалга оширишда муайян ютуқларга эришилганлигини таъкидлади. Ҳисобот даврида 250 га яқин янги корхона ишга туширилди. Уларнинг 30 га яқини қўшма корхоналардир. Қадрларга нисбатан талабчанлик оширилганлиги, ишловчилар учун қулай шароитлар яратишга эътибор кучайтирилганлиги ҳамда санация қўлланилганлиги натижасида кўпгина корхоналарнинг молиявий аҳволи яхшиланди. Экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди, янги-янги иш ўринлари яратилди.

Жамоат ташкилотлари орасида қасаба уюшмалари алоҳида ўрин тутди. Чунки фақат уларгина меҳнат муносабатлари тизимида ҳаракат қилади. Шу боис қасаба уюшмалари ҳар қандай демократик жамият учун зарурдир. Ўз сафарларида 350 мингга яқин аъзони бир-бирини меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин қасаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш талаби киритилган. 1185 та корхонада меъёрий ҳужжат асосида узайтирилган таътил белгиланиб, улар 230.551 ходимга нисбатан татбиқ этилди. Марказий қўмита енгил саноат, ипак, чармпоиёфзал, комму-

нал хизмат ҳамда бошқа қатор жамиятлар Марказий бошқарув ташкилотлари билан Вазирлар Маҳкамасининг иш ҳақи ўз вақтида тўлаишига доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисидаги қарорининг бажарилиши юзасидан қўшма қарор қабул қилиб, қарздорликни бартараф этиш бўйича аниқ тadbирлар ишлаб чиқди. Унинг жойлардаги ижросини таъминлаш юзасидан назорат ишлари амалга оширилди. Ҳамжихатликдаги саъй-ҳаракат туфайли Марказий қўмитага мувожаат этган корхона ва ташкилотларга жами 442 миллион 500 минг сўм маош пулини олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Ҳўжалик суди органларида киритилган даъво аризалари ҳам қўтилган натижага берди. (Давоми 3-бетда)



Ўзбекистон туманида бир неча йиллардан буён чорва наслдорлигини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиб келинади. Айниқса, «Солижон» фермер хўжалиги чорвадорларининг бу борадаги ишлари таҳсинга сазовор. Ҳўжалик ўз чорвачилик-наслчилик фермасига эга. Бу ерда парвартишланаётган 180 бош қорамолнинг 40 бошини соғин сигирлар ташкил этади. —Чорва молларининг сермахсул бўлиши, аввало, чорва қишлоқини муваффақиятли ташкил этишга боғлиқ,—дейди фермер хўжалиги раҳбари Юсуфжон Жабборов.—2001 йилдан буён ўз фаолиятини бошлаган мазкур фермер хўжалигимизда йиллик режадагидан кўп гўшт ва сут тайёрланмоқда. Чорвадорлар учун барча шароитларини яратилгани эса ишчимизнинг серрунм бўлишида муҳим ўрин тутаяпти. Суратларда: илгор сут соғувчи Озода Аҳмедова; мол-боқар Шариф Нозимов. М. КОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси қурултойидан

Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшма Марказий қўмитаси меҳнатқашларини турмушу даражасини яхшилашни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган. Тўғри, бозор иқтисодиёти шароитида бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Чунки ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя, соғломлаштириш тadbирларининг ўзи бир олам. Кунин кунга бўлиб ўтган соҳа ходимлари қурултойида ана шулар ҳақида гапирилди. Унда илмий-хизматчиларга иш ҳақини ўз вақтида беришнинг назорат қилиш, бағлиқ ҳамда меҳнат муҳофазаси каби долзарб вазифалар ҳақида сўз боғди. Хусусан, Марказий қўмита раиси Тоҳир Назаржоннинг ҳисобот маърузасида бу ҳол яққол сезилиб турди.

УЮШҚОҚЛИК, ЎЗАРО ТАЛАБЧАНЛИК РУҲИДА

Марказий қўмита ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан «Ижтимоий шерикчилик ҳақида Низом»ни имзолаганди. Шу асосда соҳа бўйича келишувлар, ташкилот, корхона ва муассасаларда жамоа шартномалари тузилиб, уларнинг бажарилиши доимий назоратга олинди. Шунингдек, Марказий қўмита «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниялари билан ҳам ижтимоий шерикчилик тамойили асосида фаолият кўрсатди. Бу эса ўз навабатида иқтисодий аҳволини барқарорлаштиришга хизмат қилди. Ҳозирда 158 та жамоа шартномалари асосида тармоқ меҳнатқашларини манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Уларда қабул қилинган бандларнинг бажарилиши 2004 йил якуни бўйича 99,7 фоизга етди. Шуниси аҳамиятлики, ҳар бир ходим учун 2004 йилда бу 25,3 минг сўмга кўпайди. (Давоми 3-бетда)

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қурултойдан-қурултойгача

(Боши 1-бетда)

Тармоқ Марказий кўмитаси фаолияти эса олий ва ўрта махсус ҳамда халқ таълими вазирликлари, ўрта махсус, касб-хунар таълими Маркази тасарруфидоги таълим муассасалари педагог кадрлари, талабалар ва ўқувчилар, шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси ташкилотлари ва муассасалари ходимларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашга, маънавий-маърифий юксалтиришга, меҳнат шартини яхшилаш орқали иш унумдорлигини ошириш, саноатликларини тиклаш ва дам олишини мазмунли ташкил қилишга қаратилган. Бу эзгу ишда ўзаро ҳамкорлик асосида тузилган жамоа келишувлари ва шартномалари ишончли манба бўлиб хизмат қилмоқда. Айни кунда тармоқ касаба уюшмалари таркибида 6211 та бошланғич ташкилот бўлиб, шундан юридик макомга эга бўлган 4271 тасида жамоа шартномалари қабул қилинган. Бу муҳим ҳужжат орқали 1 миллион 400 минг нафардан ортиқ ходимлар манфаати қамраб олинган. 4599 та ташкилотдаги жамоа шартномаларида меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшмаси кўмитасининг розилигини, албатта, олиш талаби киритилган. Ҳисобот даврида 64 мингдан зиёд ходим жамоа шартномаси орқали соғломлаштирилганлиги қувончли ҳолдир. Ушбу мақсад учун сарфланган маблағ эса 11 миллион сўмини ташкил этади. Ҳисобот даврида «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш давлат умумийлиги дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини илҳом қилган таъбиқ этиш, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, замо-

навий коллеж, академик лицейлар барпо этиш, мактаб таълимининг ривожлантириш, энг юқори, замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув моддий базасини ва таълим стандартларини шакллантириш, қишлоқ ва шаҳар мактаби ўртасидаги тафовутларни бартараф этиш масалаларига эътибор қаратилди. Тармоқ касаба уюшмасининг ижтимоий шерикчилик бўйича амалга ошираётган фаолиятининг муҳим йўналиши меҳнатга ҳақ тўлашни назорат қилишдир. Бу борада Марказий кўмита ва унинг жойлардаги кенгашлари ва ташкилотлари энг муҳим долзарб муаммога масъулият билан ёндошиб, ўз Ҳаракат дастурини ишлаб чиқди ва иш ҳақини ўз вақтида тўлашини доимий назорат остига олди ҳамда қарадорлиқни бартараф этиш учун бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур масала бўйича ижро этувчи ҳокимият,



ЯНГИ КУЧ-ҒАЙРАТ БИЛАН

ташаббускор фаолият сари

фан ходимлари касаба уюшмаси ҳам ҳисобот-сайлов йилиги ва конференцияларида сўнг том маънодаги янгиликлар томон юз бурмоқда. Ҳар жабҳада ривожланиш шиддат билан бораётган бугунги кунда жамият ва давлат тараққиёти билан ҳамнафас, узвий боғлиқликда иш юритиш замон талабдир. Эро, меҳнатқашларнинг олгини, турмуш тарзи ўзгараётган бир пайтда касаба уюшмаси ислохотларнинг олдинги сафида бўлмоғи лозим.

Республикамизда ўқитувчилик касбининг аҳамияти ва обрўини ошириш, унга нисбатан жамоатчилик фикрида ҳурмат тўғрисидаги ўстириш, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари меҳнатини рағбатлантириш ҳамда улар ҳаётининг моддий шарт-шароитларини яхшилаш юзасидан илҳом, энг мақсади йўналтирилган иш олиб боришмоқда. Айниқса, 2004 - 2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш умумийлиги дастури, тармоқ касаба уюшмаси зиммасига ҳам масъулият вазифаларини юклатди. Жумладан, мактабларни таъмирлаш, янги мактаблар қуриш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ёшларга жаҳон андозаларига мос билим бериш билан бирга, педагог ходимларнинг меҳнат шартини яхшилаш, диспансерлик ҳисобидоги касалларни соғломлаштиришга жалб қилиш мақсадида саралашдан ўтказишни ташкил этиш, уларни зарур доридармонлар билан таъминлашга қўмақлаштириш, санитарий-профилактикорий ларда жисмоний тарбия мақсадида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши 2005 йилда янги бир ташаббусни амалга оширмоқда. Ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимосини кўчатириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ижтимоий рағбат» мукофоти тасвир этилди. Март ойидан бошлаб эса 50 нафар ижодкор, илҳомланган, айни вақтда ижтимоий жиҳатдан муҳофазатга муҳтож ўқитувчиларга мазкур мукофот бериб борилади. Жорий ҳамда 2005 - 2006 ўқув йилида 200 нафар ўқитувчи бундай им-

ЗАМОНАВИЙ КОЛЛЕЖЛАР, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ЭШЛАРГА КАТТА ИМКОНИАТ

прокуратура органлари ва банкка 296 та талабнома киритилди. Тармоқ касаба уюшмалари томонидан қўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги биргина ўтган йилда 8 миллиард сўмдан ортиқ иш ҳақи ундирилди берилди. Бу эса нуфузли ташкилотга одамлар муносабатини ўзгартирмоқда. Ходимларни ишсизликдан ҳимоя қилиш масалалари ҳам жамоа шартномаларида ўз аксини топиб, маъмурият билан ҳамкорликда ходимларни қайта ўқитиш, олий маълумот ва иккинчи мутахассисликни эгаллаш, касб маҳоратини оширишга эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, ҳамкорликда им-золанган келишув бандларидан бирида кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар, қариёларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи алоҳида ўрин олган. Аёл нафақат ўз оиласи, балки жамият чирогини. Унинг оналик, бекалик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, саломатлиги, оиласи, фарзандлари ҳақида гамхўрлик қилиш тарғом Марказий кўмитаси фаолиятининг асосий мезонини ҳисобланади. Негаки, соҳада ишлайдиганларнинг кўпчилигини хотин-қизлар ташкил этади. Президентимизнинг

«Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда унинг ижросини таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш, келажак авлодини ҳар томонлама барқарор этиб тарбиялашдек вазифаларни ўз ичига олган. Давлат сиёсати даражасига кўтарилган бу масала Марказий кўмитанинг ҳаммиса диққат марказида бўлди. Айниқса, аёллар меҳнатини енгилаштириш, турмуш шаро-

итини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оналар учун ҳақ тўланадиган қўшимча таътилар беришни таъминлаш борасида амалий ишлар қилинди. Шунингдек, ҳисобот даврида меҳнат муҳофазаси, меҳнатга оид қонунларга риоя этиш, меҳнатқашларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлаш, касаба уюшма аъзоларини соғломлаштириш, уларнинг оиласи ва фарзандларига гамхўрлик қилиш, жисмоний тарбия, спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўзлаштириш ва рағбатлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида ҳам амалий ишлар қилинди. Факт ва рақамлар замирида ушбу эзгу ишлар ўз аксини топган.

Амина ҚОДИРОВА, «Ишонч» мухбири

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси навбатдаги қурултойига барна бугунда муносиб ҳозирлик ишлари қизгин давом этмоқда. Қурултой олдиндан барча ишлар сарҳисоб қилиниб, гадаги режалар, устувор вазифалар белгиланмоқда. Ўтган беш йил давомида тармоқ касаба уюшмаси ҳаётининг турли соҳаларида юз бераётган ўзгаришлар, янгиликларга ҳамроҳан равишда иш юритиб, ҳар бир касабачи аъзосининг манфаатларини қўқурок ифода этиш ҳамда уларни тўлиқ рўёбга чиқаришга йўналтирилган қатор ишларни амалга оширди. Бу борада мухтарам Президентимизнинг кўрсатмалари, илҳом қилди. Тамаоилларни дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Тўқсон мингдан ортиқ аъзоларни бирлаштирган Бухоро вилояти таълим ва

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси таркибиде Қорақалпоқистон Республикаси, 12 вилоят, Тошкент шаҳар кенгашлари, Республика Фанлар академияси касаба уюшма бирлашган кўмитаси, 81 та туман, шаҳар кенгашлари, 119 та вакилликлари, 6211 та бошланғич, 11734 та ҳақ ва 13455 та гуруҳ касаба уюшма ташкилотлари фаолият қўрсатмоқда. Улар сафида 1 миллион 400 мингдан ортиқ касаба уюшма аъзолари бирлашган. Сайланган касаба уюшма кўмиталари раисларининг яримдан ортиги хотин-қизлар, 87 фоизи олий маълумотли кадрлар.

ларини ўз сафига бирлаштирган. Айни кунда олийгоҳларда 51 та бошланғич касаба уюшмаси фаолият қўрсатмоқда. Тармоқ касаба уюшмалари ташаббуси билан 72.170 нафар талаба соғломлаштирилган. Ушбу мақсад учун 1.908 миллион сўм сарфланган. 2000-2004 йилларда 209.761 нафар ўқувчи оромгоҳларда дам олдирилди. Ушбу мақсад учун 2,5 миллиард сўм сарфланди. Давлат дастурларини бажариш мақсадида 22.500 нафардан ортиқ ўқувчи имтиёзли йўлларга билан оромгоҳларда соғломлаштирилди. Оролбўйи минтақасида истиқомат қилаётган 3000 нафар ўқувчи Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд вилояти

ҳамда Фарғона vodiysидоги оромгоҳларда дам олдирилди. Беш йилда санитарий-профилактикорийлар учун ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан сал кам 1,5 миллиард сўм сарфланиб, 54665 та йўлларга ажратилди, шундан 52,240 таси талабаларга берилди. Шунингдек, санаторий ва дам олиш уйларига 56987 та йўлларга берилиб, 2,2 миллиард сўм сарфланди. Ҳисобот даврида Марказий кўмитаси 84 та ёзма ва 678 та озғак мурожаатлар келиб тушган. Ҳақ-ҳуқуқи поймол бўлган 336 нафар ходим касаба уюшмасининг аралашуви билан ўз вазифасига тикланган. Иш бевари ҳисобидан уларга 47,7 миллион сўм моддий ва маънавий зарар ундирилган.

НОҚОНУНИЙ ИШДАН БЎШАТИЛГАНЛАР ЎЗ ВАЗИФАСИГА ТИКЛАНДИ

Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож кишиларга, уларнинг фарзандларига ёрдам қўрсатиш амалга оширилди. Ўтган йиллар давомида республика кенгаши томонидан кўп болали, боқувчисини йўқотган оилаларга 16565 минг сўм, мактаб-интернатлар ва Мехрибонлик уйига 2717 минг сўмлик хайрия ёрдами уюштирилди. Кам таъминланган оила фарзандларига 1797 минг сўмлик кийим-кечак ва ўқув қуроллари олиб берилди.

лардан тушган ариза ва шикоятлар пухта ўрганилиб, ҳақли талабларни ҳал этиш чоралари қўриляпти. Ҳисобот-сайлов даврида республика кенгашига 118 та ёзма ариза ва шикоятлар келиб тушди. Уларнинг деярли барчаси ижобий ечимини топди. Шундан 25 та ариза ходимларнинг ишдан ноқонуний бўшатилиши ҳақида шикоятлари бўлиб, республика кенгашининг аралашуви билан ишга қайтадан тикланди.

Ходимлар учун соғлом меҳнат шартини яратиш асосий йўналишлардан бири. Хавфсиз меҳнат шартини таъминлаш бўйича 2000-2004 йилларда тармоқ қорхоналарида 255 та текшириш ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан 159 та тадбирни бажариш тасвир этилди. Ишчи-хизматчиларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф солётган 18 дастоҳ тоўтатиб қўйилди.

Тармоқ ходимларининг саломатлигини мустаҳкамлашда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти катта. Тармоқда жисмоний тарбия ва спорт ҳар бир кишининг доимий ҳароҳига айланган. Ҳар йили туман ва шаҳарларда спортнинг беш тури бўйича тармоқ ходимлари спартакиада-си ташкил қилинмоқда.

Б. ЮСУПОВА, Қорақалпоғистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси

Тармоқ касаба уюшмаси 130 минг нафар талаба, 284 минг нафар касб-хунар коллежи ва академик лицей ўқувчи-бш

Бугунги кунда вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитасига қарашли Педагогика олийгоҳи, 16 та ўқув юрти, 377 та умумтаълим мактаби, 196 та мактабгача тарбия муассасаси, 23 та мактабдан ташқари муассаса, 12 та спорт мактаби, 12 та махсус интернет ҳамда ўқитувчилар малакасини ошириш олийгоҳи мавжуд. 377 та мактабнинг 139 таси замонавий, 228 таси мослаштирилган бинолар бўлиб, 237 та мактабда ўқитиш 2 сменада олиб борилмоқда.

Мактабларнинг 36 таси марказлашган ҳолатда, 159 таси газ, 151 таси кўмир ва 31 таси суюқ печ ёқилғиси билан иситилади. «2004-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш давлат умумийлиги дастури»га асосланиб вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли умумтаълим мактаблардан 36 таси авария ҳолатидаги рўйхатга олинган бўлиб, шундан 3 таси янги бино, 26 таси капитал таъмирлаш, 4 та реконструкция қилиш, 4 таси эса жорий таъмирлаш йўли билан авария ҳолати-

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА

дан чиқариш вилоят ҳокимлигининг манзилли дастурига киритилган. Талаба ва ўқувчиларни спорт билан шуғулланишлари учун 157 та спорт зали, 1160 та спорт майдончаси ҳамда 1179 та спорт тўрақларни ташкил этилган. 1998-2004 йилларда вилоятимизда 25 та янги типдаги 15.500 ўқувчи ўринли объектлар қуриб фойда-

ланишга топширилди. Шундан 2 таси академик лицей ва 23 таси эса касб-хунар коллежларидир. Мавжуд ўқув юрларининг 18 таси реконструкция йўли билан, 7 таси эса янги қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу ўқув юрларининг 23 таси газ билан иситилади.

Ҳар бир ўқув муассасаларида тайинланган меҳнат муҳофазаси вакиллари йиллик режа асосида иш юритмоқда. Меҳнат муҳофазаси вакиллари 15 фоиз қўшимча ҳақ тўланади. Меҳнат муҳофазаси жамоатчилиги назоратини ташкил қилиш ҳақида ҳар йили кўрик-танлов ўтказилмоқда. 2002 йилда мазкур кўрик-тан-

ловнинг Республика босқичида Зарафшон шаҳар ХТБ фахрли 3-ўринни эгаллаб, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари Марказий кўмитасининг эсдалик совғаси ва пул мукофотига сазовор бўлди. Ўқув муассасаларига бир-китилган меҳнат муҳофазаси вакиллари вилоят кўмитаси томонидан амалий ёрдам берилмоқда, меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил этиш юзасидан вилоят кўмитаси, Вакиллар ва бирлашган касаба уюшма ташкилотлари томонидан жойларда 25 та амалий ўқув-семинарлари ташкил этилиб, уларда 415 нафар меҳнат муҳофазаси бўйича масъул ходимлар иштирок этдилар.

Х. ФАҲРИДИНОВ, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Навоий вилоят кенгаши раиси

Таълим тизимини юксалтириш давр талаби. Бу эзгу мақсадни амалга оширишда тармоқ ходимлари касаба уюшма вилоят кенгашининг ўз хиссасини қўшмоқда. Соҳа вакиллари ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бу борадаги бирламчи вазифаларимиздан ҳисобланади.

АВВАЛО СОҒЛИК КЕРАК

Хусусан, ходимлар иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш бўйича ҳисобот даврида жамоатчилик назорати тартибиде тузилган ишчи гуруҳининг фаол иш олиб бори. Қардорлик қўрсаткичини бир йилда анча қамайтиришга эришилди. Жорий йилнинг январ ойида эса бунга тўла баркам берилди. Шунингдек, тармоқ ходимлари касаба уюшма вилоят кенгаши томонидан кам таъминланган оила фарзандлари

бўлган ўқувчиларга 2 миллион сўмлик кийим-бош берилди, Езёев ва Риштон туманларидаги биттадан мактаб ҳамда Фарғона шаҳрида жойлашган болалар боғчасига 500 минг сўмлик моддий ёрдам қўрсатилди. Ҳисобот даврида тармоқда меҳнат қилаётган ўқитувчи ва ишчи ходимларни соғломлаштиришга катта эътибор қаратилди. Жумладан, ўтган беш йил давомида 7254 нафар ходим сижаттоҳ, дам олиш уйла-

ЮТУҒИМИЗ — ЯҚИНЛИГИМИЗДА

Жамиятдаги туб ислохотлар самараси таълим тизимида ҳам ўз таъсирини қўрсатмоқда. Таълим тизимининг муҳим бўғинларидан бири мактабгача таълим муассасасидир. У умумий таълимнинг бошланғич ва муҳим қисми ҳисобланади. Негаки, бу соҳа ходимларининг меҳнати мураккаб ва машаққатлидир. Афсуски, кўп йиллар мобайнида мазкур муассасаларнинг ходимлари эътибордан бир мунча четда қолганлиги сир эмас. Чунки бу масканларда ишловчилар кам сонли бўлиб, алоҳида бошланғич ташкилот тузиш имконияти чекланган ёки фаолиятининг самараси кўзга ташланмасди. Аниқроқ айтганда, ходимлар манфаатларига дахлдор масалалар билан шуғулланиш ўлда-жўлда эди. Тури, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма шаҳар кенгаши имконият даражасида эътибор бериб келаяпти. Жумладан, ўтган йили «Алпомисх» соғломлаштириш оромгоҳида соҳа ходимларининг 408 нафар фарзанди дам олдирилди. Бу эса дам олдирилган бола-

лар умумий сонининг 34 фоизини ташкил этади. Бундан ташқари, шаҳар касаба уюшма кенгаши ҳисобидан 1-, 2-боғча-мактаб мажмуасига, 57-, 65-, 77-, 109-боғчаларга 500 минг сўмлик спорт жиҳозлари олиб берилди. Лекин бу етарли эмас. Негаки, касаба уюшмалари фаолияти ва ходимлар манфаатларининг қамрови жуда кенг. Касаба уюшмаларининг меҳнатқашларга яқин бўлиши муаммоларни ҳал қилишни осонлаштирди. Ана шундай муаммолар инобатта олиниб ўтган ҳисобот сайловлар жараёнида соҳа меҳнатқашларининг тақлифига қўра, Самарқанд шаҳрида мактабгача таълим муассасалари ходимларининг бирлашган касаба уюшма ташкилотини таъсис этилди. Эндиликда касаба уюшмаси соҳа ходимлари муаммоларини яқиндан туриб ҳал қилмоқда.

Махбуба ҒУЛОМОВА, Самарқанд шаҳар мактабгача таълим муассасалари касаба уюшма кўмитаси раиси

М. МЕНГОНОВ, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган халқ таълими ходими

БЎШ ВАҚТ БЕХУДА ЎТМАСИН

Инсон фарзанди одоб, илми билан азиз ва муқаррамдир. Агар ана шу фазилат ва сифатдан холи бўлса, унинг инсонлигидан ҳам, яшашидан ҳам ҳеч бир наъни, назмун йўқ. Эро, или ва тарбия дунё-ини тугиб турадиган устундир.

Мактабимиз нафақат Шўрчи туманида, балки вилоятда ҳам ўз ўрнига эга бўлган йирик таълим масканларидан ҳисобланади. Унда халқимизнинг 1100 нафардан зиёд-роқ фарзандига 98 нафар юқори малакали устоз-мураббийлар таълим-тарбия беради. Илм масканимиз ЮНЕСКО тасарруфидоги йирик таълим ўчоғи бўлиб, ўқувчиларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Замонавий компьютерлар, ўқув-техника воситалари билан жиҳозланган фан кабинетлари ўқувчи ва ўқитувчилар ихтиёрида. Мактабимиз 2002 йилда вилоятда ўтказилган «Ил мактаби» кўрик-танловига фахрли иккинчи ўринни, ўтган йили «Конституция — бахтимиз қомуси» республика танловига фахрли биринчи ўринни эгаллади. Ўқувчиларимиз вилоят ҳамда Республика фанлар олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллабтгани қувончлидир.

Мактаб маъмурияти билан бошланғич касаба уюшма кўмитаси ўртасида жамоа шартномаси тузилган бўлиб, унинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактабимизда меҳнат ходимлар учун қулай меҳнат шартини яратиш бериш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир мунча ишлар амалга оширилди. Ўқитувчилар ва ходимларимизнинг бўш вақтларини қизиқариш ва сермазун ўтказишлари ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун Маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона, замонавий барча қулайликларга эга бўлган спорт зали ҳамда майдончалар учун ихтиёрига бериб қўйилган. Мактабимизда касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан турли спорт мусобақалари, оммавий-маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Ҳар йили 4 нафар ўқувчи ва 1 нафар ўқитувчининг ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ҳисобидан «Чотқол» тоғ ён бағридаги дам олиш уйида саломатликларини тиклаб, мароқли дам олиб қайтишди. Бундан ташқари, касаба уюшма томонидан ҳар йили ўқитувчи ва ходимларимиз турли сижаттоҳларда даволаниб, ўз соғлиқларини тиклайдилар. Шунингдек, уларнинг фарзандлари ёзги оромгоҳларда имтиёзли равишда дам олдирилди. Таълим масканимиз ўз ёрдамчи ҳўжалигига эга. Бадиқчилик ҳамда паррандачилик билан шуғулланиб, ҳар йили 1 миллион сўм атрофида қўшимча маблаг топаётимиз. Мактаб касаба уюшма кўмитасининг қарори билан ушбу маблаг кам таъминланган, кўп болали ўқитувчи ва ходимларга моддий ёрдам сифатида, шунингдек мактабни таъмирлаш ишларида, кам таъминланган оила фарзандларига ўқув дарсликлари олиб бериш мақсадида сарфланмоқда.

Ўзбекистон энгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси қурултойдан

МЕХНАТКАШ МАНФААТИ ҳар нарсадан устун

(Боши 1-бетда) Қурултойда таъкидландики, амалга оширилган ишлар билан бир қаторда камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Бозор имиллаши кечирмайди. Шунга қарамай, баъзи жойларда имкониётлардан унумли фойдаланилмапти. Хатто, ходимлар ҳақ-хуқуқини чеклаш, бериладиган меъёрларни бажармаслик, меҳнат муҳофазаси бўйича иловаларни меъёрий ҳужжатларга киритмаслик каби фактларга йўл кўйилди. Тахлил шуни кўрсатдики, баъзи иш берувчилар, мутахассислар бозор шароитида ишлашга ўзларини тайёрлаш олишмаган. Бошланғич таъкидлар, уларнинг етакчилиги эса муросамалик йўлини тутишмоқда. Шу касб камчиликлар ҳамда корхоналарнинг айланма маблағи йўқлиги, жомаше етишмаслиги оқибатида 2003 йилда 291.833 иш ўрни йўқотилганлиги уйлашга, мушоҳада юритишга ундайди.

рилли. Натижада тўқимачилик саноатининг барча корхоналарида ишловчилар бу хоналар билан қарийб юз фоизга таъминланган бўлса, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарида бу кўрсаткич 95 фоизни ташкил этди. Бу йўналишдаги эришилган натижалар, тажрибалар ҳақида яна гапирши мумкин. Бироқ, анжуман иштирокчилари ислохотларга тўсиқ бўлаётган говлар ҳақида алоҳида сўз юритдилар. Шулардан бири оғир жароҳатлар ва ўлим билан туғган ҳодисалар, касбий касалликларнинг пайдо бўлиши ҳолатлари. Боз устига Тошкент шаҳри, Фарғона ва Бухоро вилоятларидаги тармоқ корхоналарида касб касалликларига чалинганлар оз бўлса-да учрамоқда. Гап шундаки, баъзида касаба уюшма вакиллари ҳал қилувчи бўғинларда кам бўлиши, маъмуриятнинг важ-карсонларини қабул қилиш билан чекланиши. Шунинг учун бўлса керак, хатто махсус кийим-бош, шовкин даражаси, газланиш ва чанглануши, оғир ишларда аёллардан фойдаланиш каби камчиликлар барҳам топмай келмоқда. Ўзибўларчилик, келишувчанлик каби иллатлар электромонтёрлар, аккумуляторчилар, кислоталар билан ишловчилар, газ-электр пайвандчилар ва бошқа касбадаги кишиларга, айниқса, қимматга тушмоқда.

Бозор шароитида меҳнаткашларда ҳақ-хуқуқини билиш ва уни ҳимоя қила олиш кўникмасини мустаҳкамлаш, меҳнат қонунчилигига оғишмай рияз этилишини таъминлаш ҳам касаба уюшмалари фаолиятининг ажралмас қисми. Бир нарса кишини қувонтиради, ҳисобот даврида меҳнаткашларнинг касаба уюшмалари фаолиятини ўрганиди. Кўпгина камчиликлар – жароҳатланиш, касб касалликларининг олдини олиш юзасидан тавсиялар бердилар. Таажубки, кўпгина корхоналарнинг мутасаддилари уни-бунга баҳона қилиб, қайд этилган камчиликларнинг кўпини бартараф эта олишмади. Демак, фаолиятда катъиятлики, таъкидотчиликни кучайтириш лозим.

Маданий-маърифий тадбирларга эътибор давр талабидир. Ҳозирги кунда тармоқ касаба уюшмаларида қарши маданият масканларида 31 та хаваскорлик тўғрисидаги фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд кутубхоналардаги китоблар жамғармаси 49200 титни ташкил этди. Кутубхоналарни керакли адабиётлар билан бойитишда "Бухоротекс" акционерлик жамияти, "Тошшаҳаргаз", "Хоразмгаз" худудий газ таъминоти корхоналари, "Хива гилами", Самарқанд вилоятидаги "Нафис" акционерлик жамиятларида ибратли ишлар амалга оширилди. Бироқ, Навоий вилоятининг Қизилтепа коммунал-фойдаланиш корхонаси, Кармана ичмилки суви бўлими, Қашқадарё вилоятининг "Санам" ҳиссдорлик жамияти, Сурхондарёдаги "Қўқаламзорлаштириш" идораси ва бошқа қатор жойларда бу борада камчилик-нуқсонлар мавжуд. Уларнинг кўпчилигида маънавият- маърифат хоналари ёки бурчаклар ташкил этилмаган. Тадбирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмаётганлиги боис бажарилмай қолганда қолмоқда.

Қаерда касабакўм маъмурият билан ҳамкорликда ишласа, шу жойда самара, ютуқ бўлапти, муаммолар вақтида ҳал этилапти. Анжуман иштирокчилари фаолиятни тўбдан ўзгартириш, бунинг учун кўпроқ жойларга чиқиб, айниқса, янги тузилган корхоналарда жўшқин фаолият олиб бориш, касаба уюшма аъзолари сонини кўпайтиришга эришиш шу куннинг энг долзарб вазифаси эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Қурултойда ташкилий масала кўриildi. Маъмура Одилова Ўзбекистон энгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашининг раиси этиб сайланди.

Акмал АЛЛАМУРОВОВ, Захро РАҲИМОВА, «Ишонч» мухбирлари

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси қурултойдан

(Боши 1-бетда)

Ҳисобот даврида Марказий қўмита Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда иш хақи, нафақалар ва бошқа тўловларни ўз мuddатида бериш боришини назоратга олди. Натижада 2003 йил 1 январ ҳолатига кўра иш ҳақидан қарздорликка йўл қўйилмади. Вахोलанки, утган йил 1 январ ҳолатида бу қарздорлик 64,1 миллион сўмини ташкил этган. Утган йиллар мобайнида «Алоқабанк» томонидан ойлик маошлар ойма-ой тўлаб берилди. Лекин айрим кишлоқ туманларидаги почта ходимлари бошқа банкларда юзага келган нақд пул муаммоси тўғрисида ойлук иш ҳақларини ўз вақтида ололмадилар.

Тармоқ ходимларининг меҳнатларини баҳолаш, белгилаш ва солиштириш мумкин аҳамият касб этди. Афсуски, иқтисодий қайта қуриш жараёнида қўпчилик раҳбарлар бу масалага иккинчи даражали вазифа деб қарашмоқда. Вахोलанки, мазкур муаммо билан жиҳдий шугулланишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки оддий хабарчи шахар худудида бир-икки километр оралиғида ишласа, айрим кишлоқ хабарчилари 15-20 километр узоқликдаги аҳоли яшаш жойларига хизмат кўрсатишга мажбурдилар. Шаҳар ва кишлоқ ўртасидаги худди шундай тафовут тўғрисида электр монтерлари ҳам азият чеқмоқдалар.

2004 йил Марказий қўмита илмий Техника Маркетинг Таъкирот Маркази билан ҳамкорликда тармоқ ходимлари меҳнати меъёрлаштириш масаласини ўрганиб чиқди. Ушбу масала агентлигининг раёсат мажлисида муҳокама этилиб, қарор қабул қилинди. Бу муаммони ҳал этишда биринчи қадам бўлди.

Айни пайтда амал қилмаётган барча битим ва жомоа шартномаларида ходимлар бандлигини таъминлаш, қадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга бағишланган бўлишлар мавжуд. Иш ҳақининг ўзгаришига қарамай, илгори даражали илгори технологияларнинг тармоққа кириб келиши мавжуд иш жойларини қисқартиришга олиб келди. Маъмуриятлар билан ҳамкорликда иш билан таъминлаш бўйича қўрилган барча чора-тадбирларга қарамай, утган йил даврида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бўйича 2400, «Ўзбекистон почтаси» акционерлик жамияти бўйича 860 дан зиёд иш жойлари қисқартирилди. Касаба уюшмаларининг яна бир асосий вазифаси иш

да бешта бахтсиз ҳодиса рўй берди. Бундан тўғри хулоса чиқариб маъмур ташкилотларда меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш бўйича қўриқ-танлов эълон қилинди. Мазкур тадбирни жорий йилда ҳам давом эттириш бўйича келишиб олинди.

Бундан буён ҳам меҳнат муҳофазасига асосий вазифа деб қараш лозим. Чунки утган даврда тармоқ бўйича 22 та бахтсиз воқеа содир бўлди. 10 та ходим ҳаётдан бевақт кўз юмди. Аҳолини яхшилаш учун иш ўринларини аттестациядан ўтказишга жиҳдий аҳамият бериш керак. Шунингдек, меҳнатни муҳофиза қилиш бўйича вакиллар сонини ошириш ва уларнинг билим даражаларини юксалтириш зарур.

Кейинги йилларда Марказий қўмита ва унинг раёсати ижро иттизомини юксалтириш бўйича кўпгина ишларни амалга оширди. Маълумки, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси икки бўғинли тизимда фаолият кўрсатмоқда. Марказий қўмита тузилмасига 166 та касаба уюшма қўмиталари, шу жумладан 13 та вилоят бирлашган касаба уюшма қўмиталари қиради. Аъзолар сони 2000 йилда 53 минг 159 киши бўлган бўлса, жорий йилнинг 1 январ ҳолатида бу рақам 52 минг 867 нафарни ташкил этди. Утган ҳисобот сайлов йиғилишида фаолларнинг 35 фоизи янгиланди. Шу сабабли ҳам янгидан сайланган фаолларнинг малакаларини ошириш энг долзарб вазифалардан бўлиб турибди. Бугунги кунда касаба уюшма етакчиси, фақатгина ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиш етарли эмас. Балки ташаббускор, бошқариш маданиятини пухта эгаллаши лозим. Музокаралар олиб бориш, жомоа аъзоларига ўз фикрини асослаб бериш қобилияти ҳам кўп нарсани белгилайди. Шу боисдан ҳам биз захирадаги ходимлар билан ишлашни яхши-

лашимиз, бунинг учун эса ўқитиш дастурларини қайта қўриб чиқишимиз зарур. Ҳисобот йиллари даврида 9 минг 500 дан зиёд меҳнаткаш соғломлаштирилди. 640 нафар ходим илтибозли йўлнамалар билан таъминланди. «Ўзбектелеком» акционерлик компаниясининг «Фаргона-телеком» филиали ва Тошкент Алоқа Технологиялари Университетига санаторий-профилактикорт йиллаб турибди. Уларда 4 минг 600 дан зиёд ходим ва талаба ўз соғлиқларини тиклади. Болалар эъти соғломлаштириш оромоҳларида эса 19 минг 810 нафар фарзандларимиз дам олдирилди. Бизнинг асосий вазифаларимиздан яна бири жомоа келишувлари ва шартномалари орқали болалар эъти соғломлаштириш оромоҳларини сақлаб қолишдир. «Бухоро Телеком», «Тошкент Шаҳар телефон тармоғи», «Қарши УЗИ» филиалларига қарашли болалар оромоҳларида таъмирлаш ишларини олиб бориш зарур.

Кейинги вақтда Марказий қўмита хорижий давлатлар тармоқ касаба уюшмалари билан яқин алоқа боғлади. Жумладан, «ЮНИ» халқаро касаба уюшмасининг алоқа сектори, Туркия, Жанубий Корея, Япония, МДҲ давлатларининг тармоқ касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилинапти.

Анжуманда Самарқанд вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Толиб Раҳматов, Тошкент телефон-телеграф станцияси касаба уюшма қўмитаси раиси Дилшод Усмонов, академик Лицей касаба уюшма қўмитаси раиси Шоира Турсунова ва бошқалар сўзга чиқиб, касаба уюшмалари олдида турган долзарб муаммолар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Неъмат РАФИКОВ, Собит ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбирлари

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси



Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиш, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши тўғрисидаги қўйилган зарарни тўлаш ҚОИДАЛАРИ

IV. БОКУВЧИНИНГ ВАФОТИ САБАБЛИ ЗАРАРИ ТЎЛАШ 26. Ходим меҳнат жароҳатига боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда, иш берувчи марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатта леёқатсиз, шунингдек ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга ёки марҳум вафот этган кунга ундан нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, марҳумнинг вафотидан сўнг туғилган фарзандига, шунингдек ота-оналаридан бирига, умр йўдошига ёки оиласининг ишламайдиган ва вафот этганининг 3 ёшга тўлмаган болалари, укалари, синглилари ёки набиралари парварishi билан банд бўлган бошқа аъзосига зарарни тўлаши шарт. Болаларнинг боқимандалиги назарда тутилганда бу бунинг учун далиллар талаб қилинмайди. Қўйидагилар меҳнатта леёқатсиз ҳисобланади: 16 ёшдан ошган шахслар, агар улар шу ёшга еттунга қадар ногирон бўлиб қолган бўлса; 60 ёшга тўлган эркаклар ҳамда 55 ёшга тўлган аёллар; белгиланган тартибда ногирон деб эътироф этилган шахслар. Оила аъзосининг меҳнатта леёқатсизлиги бошланган вақт (боқувчининг вафотига ёки вафотидан кейин) унинг зарар тўловини олиш ҳуқуқига таъсир этмайди. 16 ва 55 ёшдан катта ёшдаги ўқувчилар ўқув юрталарининг кундузги бўлимларида ўқиниш тугатганлари қадар, аммо қўпи билан 18 ёшгача зарар тўловини олиш ҳуқуқига эгадирлар. 27. Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва боқувчининг вафоти тўғрисида зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатта леёқатсиз шахслар учун зарар миқдори вафот

ТАЪТИЛГА ТўЛАНДИГАН ҲАҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ

Саволларингизга ЎзКУФК меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон Исаев жавоб беради

САВОЛ: меҳнат таътилига чиққан ходимнинг таътил даври учун тўланадиган ҳақни ҳисоблаб чиқаришда иш хақи сифатида тўланадиган барча тўловлар ҳисобга олинадими? М. РАҲМАТОВ, Бўка тумани

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўртача ойлук иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби»-га биноан таътиллار вақтига ҳақ тўлаш мақсадида ўртача ойлук иш ҳақини аниқлаш учун ҳисоблаб чиқариш куниди тарификация бўйича белгиланган иш хақи ёки лавозим маоши асос қилиб олинади. Бунга ҳисоблаш даврида тарификация бўйича белгиланган иш хақи ёки лавозим маошидан ошган миқдорнинг (яъни ишбай асосида ишлаб топилган қўшимча иш хақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш хақига қўшимча ҳақлар ва ижтимоий сугурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловларнинг) ўн

иқидан бири (олти ой тўлиқ ишлаганларга олтидан бири; етти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бири ва ҳоказолар; ўрта махсус ва касб-хуна уқув юрталари ўқитувчилари учун ўндан бири) қўйилади. Ижтимоий сугурта бўйича бадаллар ҳисобланмайдиган тўловлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк томонидан қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 6 апрелда 1333 рақам билан рўйхатга олинган Низомнинг биринчи иловасида келтирилган. Бу қўйдаги тўловлар: 1. Ишлатилмаган таътил учун компенсацияси; 2. Ишдан бўшатиш нафақаси; 3. Моддий ёрдам тарзида тўланадиган қар хил пуллик тўловлар; 4. Ҳонсария тўловлари (хизмат сафари бўйича суткалик харажат пуллари ёки суткалик харажат

пуллари ўрнига берилмадиган тўловлар, ходимлар саломатлигига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланишини қоплаш тўловлари); 5. Ходимларнинг айрим тоифаларига бепул берилмадиган уй-жой, коммунал хизматлар, ёнилғи, йўл чипталари нархи ёки уларни қоплаш қийматлари; 6. Ходимга берилган махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа яққа тартибдаги ҳимоя воситалари, сўт ва даволаш-профилактика озик-овқати қийматлари; 7. Бепул овқатланиш қиймати; 8. Овқатланиш учун дотациялар, санитарий-курортларда даволанишга ва дам олиш уйларига йўлнамалар қиймати, тургун ва амбулатория даволаниш харажатлари тўловлари; 9. Бошқа худудга ишлаш учун қўйиб ўтиш билан боғлиқ йўлқира,

мол-мулкни олиб бориш, уй-жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш; 10. Доимий иш йўлда ёки кўчиб юриш, шунингдек хизмат юзасидан юриш билан боғлиқ бўлганда суткалик харажат пуллари ўрнига иш хақига тўланадиган қўшимча ва устамалар; 11. Тегишли бюджет ёки хайрия жамғармаларига ўтказилмаган ҳақ тўланмайдиган иш кунларидаги (шанбаликлар ва ҳоказо) меҳнат учун иш хақи; 12. Юбилей саналари, туғилган кунлар, кўп йиллик ва халол меҳнат фаолияти, жомоат ишларидаги фаоллиги ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда иш хақи фонди (меҳнатга ҳақ тўлаш фонди) ҳисобидан амалга ошириладиган рағбатлантириш тўловлари (мукофотлар); 13. Мукобқалар, қўриқ-танловлардаги совринлиқ ўринлар учун берилган пуллик мукофотлар; 14. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга юборилган ўқувчиларга корхона ва ташкилотлар томонидан тўланадиган стипендиялар; 15. Олий ёки ўрта махсус билим юртини битиргандан сўнг берилган таътил учун ёш мутахассисларга корхона, муассаса, ташкилот ҳисобидан тўланадиган ёрдам пуллари; 16. Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар, ишсизлик бўйича нафақалар, ижтимоий нафақа ва пенсиялар.

КОРХОНАНИНГ ЎЗ МЕЪЁРИЙ ҲУҲЖАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МУМКИНИ?

САВОЛ: маъмурий бошқарув тизимида ишловчи ходимларнинг меҳнатларини ҳаққоний баҳолаш ва рағбатлантириш мақсадида корхонанинг алоҳида ўз меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш мумкинми? Р. МАҲМУДОВ, Қизилқум тумани

ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг 153-моддасига биноан меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди. Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жомоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакилик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади. Бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланмаган муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек давлат корхоналарининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларининг энг кам даражаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Қўриб турибдики, нодавлат мулк шаклига мансуб корхона ва ташкилотлар

да меҳнатга ҳақ тўлаш шакли ва тизимини танлашда мустақиллик берилган. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг жомоа шартномаси билан қабул қилинган шакли ва тизимларини жорий этиш ва амалда қўллашда қўйидагиларни инобатга олиш лозим: 1. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли қарори билан ҳўжалик ҳисобидига корхоналар ва ташкилотларга меҳнатга ҳақ тўлаш тариф сеткаларининг рағбатлантирувчи ролини оширишни, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф сеткаларини қайта қўриб чиқиш юқландилган. Шунга биноан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлигининг 2002 йил 2 апрелдаги 12/11001 сонли хати билан иш хақи жамғармасининг тариф қисми корхона бўйича 67 фоиздан (шу жумладан, ишчилар ва кичик хизмат кўрсатувчи ходимлар учун 70 фоиз-

дан, раҳбарлар, мутахассислар ва бошқа хизматчилар учун 57 фоиздан) кам бўлмашлиги тавсия этилган. 2. Меҳнат Кодексининг 155-моддасига биноан ходимнинг ойлук меҳнат ҳақи - қонун ҳужжатлари билан белгиланган қўйилган энг кам меҳнат ҳақи миқдоридан оз бўлмашлиги лозим. Бизнингча, энг кам меҳнат ҳақи ва энг кам иш хақи ўртасида фарқ бор. Агар тариф тизими қўлланилмаётган бўлса, муайян ходимнинг энг кам меҳнат ҳақи миқдорини аниқлаш учун республикада ўрнатилган энг кам иш хақини шу ходимнинг тариф коэффициентига қўйиштириш лозим. 3. Меҳнат Кодексининг 156-моддасига биноан меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қайси тартибда ўрнатилган бўлса, шу тартибда (яъни 153-моддада кўрсатилган тартибда) ўзгартирилади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг яққа шартларини ходим учун нуқсонли томонга ўзгартиришга истисно тарихидаги технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгаришлар юз берган тақдирда (агар меҳнатга ҳақ тўлашнинг аввал-

ги шартларини сақлаб қолиш мумкин бўлмаса) ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда йўл қўйиши мумкин. Бўлажак ўзгариш ҳақида ходим камидан икки ой олдин оғохлантирилиши керак бўлади. 4. Ходимлар манфаатини ҳимоя қилувчи ташкилот - касаба уюшмаларининг - меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасидаги асосий вазифалари қўйидагилардан иборат: - иш ҳақининг меҳнатга ундовчи ролини қўнайитиришга, ундовдор ва сифатли меҳнатни рағбатлантирувчи омилларни яратишга, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ижтимоий-адолатли тизимини жорий этишга қўмақлаш; - меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида асосиз табақаланиш ва камситишларни бартараф этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни ўрнатиш йўли билан иш ҳақининг кафолатланган (яъни тариф) қисмини ошириш, бир хил қийматдаги меҳнат учун ходимларни тенг рағбатлантириш, тамойилга риоз этиш мақсадларига эришиш учун меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тармоқ ва локал ҳужжатларни касаба уюшмалари билан келишиб олиш таъминлидан самарали фойдаланиш; - меҳнатнинг янги меъёрларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ишларида иштирок этиш, иш ўринларини шаходатлаш жараёнида меҳнат меъёрлари қайта қўриб чиқишнинг талаб қилиш; - меҳнатга ҳақ тўлашнинг нотариф тизими қўлланилишини имкон қадар чеклаш; - жомоа музокаралари жараёнида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам соатбай миқдорларини, ишларнинг технолология турлари бўйича ишчилар учун қўнайитирувчи тармоқ коэффициентларини ўрнатиш, иш ҳақини қонуний равишда давра шаклида тўлашни таъкидлашга риоз этиш; - иш хақи ўз вақтида тўлашни устидан қатъий назорат ўрнатиш, иш ҳақини муддатда ўтган қарздорликни бартараф этиш учун барча қонуний чора-тадбирлар қўриш.

(Боши ўтган сонларда) (Давоми бор)

Инсон бир-бирининг мушкул-ни осон қилиб, бахтиёр яшати керак. Ҳақиқий одамийликнинг асл маъно ва вазифаси ҳам ана шундан иборатдир. Одамнинг ички олами қанчалик гўзал бўлмасин, агар ундан жамиятга фойда етмас, унинг гўзаллиги ҳечдир. Ҳақиқий инсонийлик ҳар бир шахснинг ижтимоий, фойдали фаолияти билан белгиланади.

Бугун атрофимизни ўраб олган гўзал Наврўзга бир кўз ташлаб кўринг-а: у бепоян еримизга ўз сеплини ёзиб, ясан-тусан қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Эртага у яшил либосини кийиб, чексиз бойлик, саҳий ризқ-рўз келтиришга қўмак беради. Унинг заррин офтобларидан хайратомуз гул унда, осмондан оhibaёт келади. Унинг тупроғи эса шарбатли мевага айланади.

Инсон барча мавжудотлар орасида энг комили ва қудратлиси-дир. Унда энг ажойиб ва ҳал қилувчи икки нарса бор: бириси меҳнат қила билиш, ижодкорлик қобилиятидир. Иккинчиси ақл, тафаккурдир. Шу асосда у ҳам табиатни ўзлаштиради, ҳам жамият яратади. Айни замонда икки нарса унинг хулқан гўзал бўлишига, турмушда саодатли бўлишига таъминлайди.

Баҳорий Наврўз ғазимизнинг бошланишидир. У ҳаётнинг ниҳол фасли ҳисобланади. Шу ниҳол қандай бўлса, унда ниманинг асоси бўлса, ўша вояга етиб боради. Бу эса ёзда очилмаганнинг очилтириш, пишадиганини пиширади, тўқиладиганини тўқади. Халқимизда «нима эксанг, шуни ўрасан» деган яхши нақл ҳам бор. Баҳор яхши келса, ёз ҳам унумли, куз ҳам қўйни-қўнжи тўла келади.

БАҲОР ХАНДАСИ



Март ойи бурон-суронларга, қушлар қийқирғи ва қувончига, тош ёриб чиқаётган қўқат шиддага ва куртак шижоатига, ва ризқ-рўз эга этакдиган осмон гўлдўросларига бойдир. У эндигина дадил туриб олиб янги ҳаёт яратиш ҳаракатини бошлаб юборган она табиатнинг хандасидай эшитилади. Одамлар оғзида «гулҳанда» деган сўз юриб. Бу дегани, гулдай очилган сориюли турши демакдир. Наврўзда табиат ана шундай кўркам бир тусга кириди. Бу она табиатнинг ишидир, унинг фаолияти билан боғлиқдир. Унинг бирдан-бир сабабини ўта танти Еру, саҳий Кўёш ҳаракати ҳал этади.

Ҳаётбахш зиё билан зулмат орасида азалий кураш ҳақида, фаслларнинг омонсиз тортишувлари тўғрисида узок ўтмишдада, хусусан, «Авесто» ва «Девону луғоти турк»-да катта-кичик ривоят ва шеърӣ парчалар келтирилган. Уларда ҳам еримиз билан қўёш алоқалари натижасида пайдо бўлган фасллар ҳақида, Наврўз хусусида гап боради. Дарҳақиқат, ердан бир неча миллиард астро-

номик адал узокликдаги қўёш фаслларини, уларнинг алмашилиб туришларини яратиб, белгилаб туриши гоят ажабланарлиқдир. Ана шунинг оқибатларидан бири ҳар йили 21-22 мартга тўғри келадиган бизнинг Наврўзимиздир. Бу икки паллали йилнинг бири иккинчисига ўтиш кунидир. Бунда табиатда ҳам, жонотлар ҳаётида ҳам, жамият тақдирида ҳам энг улкан янгиланишлар содир бўлади. Ер билан қўёш бир-бири билан яқинлаша, ахмал навбахор бошланиб кетади. Ундан кейин тўқин ёз фасли келади.

Ўтмишда ўз халқини бахтиёр кўрмага, қиргинлар ва ҳақсизликларнинг жонли туюғи бўлган шо-

санд бўлади. Она юрти тез орада баҳорий «кўк қўйлак» кийиб, ястанини интиқлик билан кутади. Чиндан ҳам бу паллада ҳаво гоят тинч-лашиб, осмон узра оқ булутлар ҳарир пардадек ёйилишиб, паршон кезадилар.

Сезиларни китикловчи хидли гуллар ҳам тўпланишиб, «биз ҳам йўлга кўрмага» дегандай чўчумаларни бир чопар сифатида юборгандай бўлади. Ана шу гуллар хидидан ризқ эмадидан жониворлар ҳам бир-бир уйғонишиб, эрта-индин боғ ва чаманзорларни оралаши аниқ. Кўклам-

ни шундай кўтаринки руҳ билан алчайин ўқис, ҳазин бир овоз билан уни тараннум этадилар. Жумладан, Мукхийи Наврўзни эслаб, шундай бир қўшиқ айтди:

*Навбахор очилди, савба бўлди боғлар,
Сўхтаб айлайлик, келинлар, җўралар, ўртоқлар.
Кўш бу мақилда тиркилик улфату аҳбоб ила,
Уйнашиб, гоҳи табиатни қилайлик чоғлар.
Ҳайфки, аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан,
Олдлар ҳар ерда булбул ошенин зоғлар.
Малҳам истаб кимсидин, захми дил яхши,
Айласин,
Чорас қилмоқдин ўга, устига тирюклар.
Мисралардан кўриниб турибдики,
Наврўзни қувонқлик билан бошлаган шoirини тезда қайғу-алам қайфияти чулғаб олган. Унинг хушчақчақлиги афсус ва ўқиниш билан тугайди. Бу ўқинишда одамзотни майиб қилган жамиятга қарши ўтли нафрат ва норозилик туйғуларини яширинган. Бирок шoir шундай чоғда ҳам ўзини қўлга олиб, бироз бўлса-да, Наврўзда хушчақчақлик қайфияти ҳосил қилиш учун дўстларга хитоб қилиб, уни кўтаринки руҳ билан яқунлашга киришади:*

*... Тобайки муноғо маломат кункида доим
Мўқим,
Бу замон кўз туттил энди сенга бўлсин тоғлар.
Эътибор берилса, Абдулхамид
Чўлпон ҳам «Кўклам келадир» деган
шарҳида «Кўкламийим»нинг кўзгаги-
шидан, уни йўлга чиққанидан хур-*

Наврўз, маълумки, «янги кун», Шамсия (Кўёш) тақими буйича янги йил кирган кун ҳисобланади. Бу кун кеча билан кундўзнинг тенглашган вақти. Баҳор ва дала ишларининг бошланиш кун сифатида бутун Ўрта Шарқ, Мовароуннаҳр ва Ҳиндистон музофотида кенг байрам қилиниб келинади. Дастлаб, Эрон ва Ўрта Осиё ерларида зардуштийлик дини шаклланиб, (милоддан аввалги 7-6 аср) Наврўзга хос урф-одат ва аъна-налар кирган ва уни диний байрам сифатида ўтказиш одатга айланган. Ўша даврда зардуштийлик гоъларига мос келадиган тақвим ҳам кашф қилинган. Бу тақвим «Ядигирд тақими» деб юритилган. У 365 кунлик Шамсия (Кўёш) тақими бўлиб, унинг 12 ойи 30 кундан 360 кунни ташкил этган. Қолган 5 кун ҳеч бир ойга киритилмай, Наврўз олдидан алоҳида ҳисобланиб, ибодат қилинган.

Худди шу кунларда зардуштийлар шу беш кунни алоҳида тантангага айлантириб байрам қилганлар. Ядигирд тақимидаги ой номлари ҳам, унинг зардуштийлик гоъси билан узвий боғланганлигини яққол кўрсатиб туради. Эро, Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номи машҳур асаридан ана шу ойларнинг эски номларини «Авесто» китобидан олиб келтиради.

Кейинчалик Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Қоққоз халқлари амалдаги тақими ишлатмай қўйганлар. Ядигирд тақимида бугун фақат Зардушта эътиқод қиладиган Бомбай, Гужорат штатларида ва Эроннинг айрим ҳудудларидагина амал қилади. Ҳозирги замон исломшуносларининг ҳисобига кўра, бугун 150 мингга яқин зардуштийлар ўша жойларда яшайдилар. Барча исломга тобе минтақаларда аъна буйича 354 кунлик хижрий-қамарий йил ҳисоби амалга киритилган. Ислом урф-одатлари ҳам ана шу тақвим буйича адо этилади.

Яратиш, йўқдан бор қилиш фақат баҳор фаслининг иши эмас, бутун мавжудотнинг узвий бир бўлагидир. Буларси борлиқни тасаввур этиб бўлмайди. Ер юзидagi бутун ранг-баранг нарсалар шу яратиш, янгилаш шoҳри билан банддир.

Наврўз назокатли чекак айёмини на эмас, ижтимоий ҳаёт яратиш хусусида ҳам атрофчила уйлаш демакдир. У мўл ҳосил, моддий бойлик яратишга жадвал ундайдиган омил ҳамдир. Бу байрам наҳидида, тартиб ва талаби деҳқонни далага, боғбонни боғига чорлайди. Езувчи ва санъат аҳлини ҳам ижодга сафарбар қилади. Тўқин ёзининг камол топиши ҳам худди шу паллада ҳал этилади. Халқимиз «баҳорги ҳаракат - кўзги баракат», деб бекорга айтмайди, ахир.

Махмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди



НАВОЙЛИК КИЗЛАР - ГОЛИБ

Бухоро шаҳрида баскетбол бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтган Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи тур учрашувларида юртимизнинг олти жамоаси вакиллари голиблик учун ўзаро куш синашди.

Чемпионатнинг биринчи тур баҳсларида ишончли ўйин кўрсатган Навойнинг «Ника» жамоаси баскетболчи қизлари бу турда ҳам барча рақибларини энгиб, шохсупанинг энг юқори погонасидан жой олди.

Иккинчи тур якунларига кўра, Бухоронинг «Университет» жамоаси вакиллари иккинчи, Тошкент давлат техника университети қизларига эса учинчи ўринлар насиб этди.

МОТОПОЙГАЧИЛАР

Ўзбекистон муҳофаагага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Республика техника ва амалий спорт турлари марказидан маълум қилишларича, Жиззах шаҳрида мотокрос бўйича мамлакат чемпионатининг иккинчи босқич мусобақалари якунланди.

11-18 ёшли ўсимлар ўртасида ўтказилган беллашувада юздан ортик спортчи иштирок этди. Шаҳсий биринчилик баҳсларида Руслан Каримов, Дмитрий Лимар, Эдуард Плешков, Ринат Ахмеров, Олег Шабаяв ҳамда Вячеслав Шипков ўз йўналишларида голибликни қўлга киритди.

(ЎзА)

МИЛЛИЙ ОНГ ВА ШУУРИМИЗ ЧАРОФБОНИ

(Боши 1-бетда)
- Навой меросига ҳоррижда ҳам қизиқиш катта...

Дарҳақиқат, алломанинг асарлари ҳозирга қадар дунёнинг унлаб тилларига таржима қилинган. Қўлаб хорижий олимлар унинг ҳаёти ва ижодини тадқиқ ва таҳлил этиб келишмоқда. Туркия, Эрон, Озарбойжон ва минтақамиздаги барча мамлакатларда унинг асарлари тақрор ва тақрор нашр қилинган ва қилинмоқда. Хусусан, Эрон ва Тожикистонда Навойнинг форс тилидаги асарлари, жумладан «Девони Фоний» атрофида ўрганилган, ўрганилмоқда. Ушбу мамлакатлар адабиётшунослари фикрича, бу борда Навой форс-тожик адабиётининг энг етуқ вакиллари билан бемалол беллаша олади.

Навой аввало туркий адабиётнинг забардаст вакили сифатида маълум ва машҳур. Шу боис, Туркияда унинг меросига қизиқиш катта. Сўнги йилларда бу ерда «Мезонун-авзон», «Лисонут-тайр», «Фарҳод ва Ширин» каби асарлари босилиб чиқди.

Озарбойжонда Навойни севишди, ардоқлашди. Унинг ижоди Жаннат Нагиева сингари таникли адабиётшунослар томонидан чуқур ўрганиб келинган. 2001 йилда олиманинг «Навой Озарбойжонда» номи китоби чоп этилди. Бобокалонимиз ижод намуналари рус, немис, француз ва бошқа тилларга ҳам ўтирилган. Ўтган йили «Лисонут-тайр» достони англис тилига таржима қилинди.

Навой асарларининг бугунги кундаги аҳамияти, ёш авлод камолотидаги ўрни хусусида ҳам гапириб ўтсангиз.

Улуғ бобомизнинг асарлари ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмаган, йўқотмайди ҳам. Навойнинг ўткир нигоҳи фақат ўз даврини эмас, балки абадиятни кўра олган.

ЎзА мухбири
Рустам ЖАББОРОВ
суҳбатлашди.

ДАРСДАН ТАШҚАРИ ТЎГАРАКЛАР

Ўқувчилар салоҳиятини оширмоқда

Тошкент педагогика коллежи юртимизга етуқ, мақоли кадрлар етказиб бераётган билим масканлардан ҳисобланади. Ёшлар замонавий компьютерлар ва бошқа техника воситалар билан тиллашган ҳолда дарсларни пухта ўзлаштиришмоқда. Ўқув ва лаборатория хоналари турли жиҳозларга бой.

Коллежда мактабгача таълим, бошланғич таълим ҳамда мактаб ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар йўналишлари бўйича ихтисос эгалари тайёрланади. Ёшлар боғча ёшидаги болаларга инглиз тили, компьютер ўргатуви, оила ўқитувчиси ва тарбиячиси, бошланғич синфларда меҳнат фани ўқитувчиси, кунни узайтирилган мактабларда тарбиячи, каштачилик, пазандачилик каби мутахассисликларни чуқур эгаллашмоқда.

Айни дамда бу ерда 1400 нафарга яқин ўқувчи кундўзи бўлимда таҳсил олмақда. Уларга 123 нафар педагог турли фанлардан сабоқ берапти. Педагог-ҳодимларнинг нуфузли олий таълим муассасалари курсларида тажриба ортиришга эътибор қаратилаётгани ва шу ернинг ўзида доимий ҳаракатдаги малака ошириш маркази фаолияти йўлга қўйилгани айни мўддао бўлмоқда.

Ўқувчиларнинг билимини мустаҳкамлашда дарсдан ташқари 23 та фан тўғрисида самарали фаолият кўрсатмоқда. Уларда 950 нафар ёшлар ўзи қизиққан фан бўйича машғулотларда қатнашапти. Шунингдек, спорт турлари ва хунар ўрганиш бўйича ташкил этилган тўғарақлар ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга хисса қўшмоқда.

Маънавий-маърифий тарбият ёшлар онгини соғлом шакллантиришда асосий омил саналади. Билим масканида бу борда талай ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Миллий истиқлол гоъси ва миллий тарбия», «Ўзбекистон овоз ва обод Ватан», «Аждодлар мероси - маънавиятимиз таянчи», «Инсон одоби билан азиз», «Бош Комусимиз», «СПИД - аср вабоси» каби мавзуларда ўқувчилар билан давра суҳбатлари ўтказилмоқда. 40 мингдан зиёд китоб фондига эга кутубхона илмга чанқок ёшлар хизматида. «Алла дунёни яратар», «Конституция билимдонлари», «Она тилим - жону дилим», «Истеъдод», «Дунё халқлари урф-одатларининг ўрганиши», «Мохларий авлодларимиз», «Ёш бунёдкорлар» сингари мавзуларда кўрик-танловларнинг мунтазам ўтказиб борилиши эса уларни мустақил фикрлашга ўргатади. Ўз қобилиятларини намойиш этишларида кўмак бermoқда. Ўқувчиларнинг 567 нафарини вояга етмаганлар ташкил этади. Уларни мустақил ҳаётга тайёрлашда психолог Мархабо Абдувалиева-нинг хиссаси катта бўлмоқда.

Коллежининг 250 уринли ётоқхонасида вилоятлардан келиб ўқийётган ёшлар учун қулай яшаш шароити мавжуд. Бу ерда барча жиҳозлар янги. Маънавият ва маърифат хонаси қўлаб сиёсий ва бадий адабиётлар,

Чирокчи туманидаги "Лола" мактабгача тарбия муассасасидаги жонли бурчак кичинтойларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Муассаса раҳбари Насиба Зиёдованинг таъкидлашича, бу ерда кўгирчоқлар ҳам тайёрлашапти. Ҳозир 200 дан ортик кўгирчоқ мавжуд.

Шавкат СУЛТОН
олган сурат



Ўйинлар тақими

БИРИНЧИ ДАВРА		3-тур 15 апрел (жума)		СЎҒДИЕНА-БУХОРО		НЕФТЧИ-ПАХТАКОР	
1-тур 19 март (шанба)	ПАХТАКОР-СЎҒДИЕНА	ПАХТАКОР-ТУПАЛАНГ	МАШЪАЛ-СЎҒДИЕНА	МЕТАЛЛУРГ-МАШЪАЛ	МЕТАЛЛУРГ-НАВБАХОР	НАСАФ-ТУПАЛАНГ	МЕТАЛЛУРГ-НАВБАХОР
2-тур 20 март (якшанба)	НАВБАХОР-ТРАКТОР	НАВБАХОР-НЕФТЧИ	НАВБАХОР-НЕФТЧИ	НАСАФ-ПАХТАКОР	НАСАФ-ПАХТАКОР	ЛОКОМОТИВ-БУХОРО	ЛОКОМОТИВ-БУХОРО
3-тур 21 март (пайшанба)	ТУПАЛАНГ-БУХОРО	КИЗИЛКҮМ-САМАРҚАНД-Д	ЛОКОМОТИВ-САМАРҚАНД-Д	ПАХТАКОР-ШҶРТАН	МАШЪАЛ-НЕФТЧИ	САМАРҚАНД-САМАРҚАНД-Д	САМАРҚАНД-САМАРҚАНД-Д
4-тур 22 март (чоршанба)	МЕТАЛЛУРГ-НЕФТЧИ	25 март (шанба)	САМАРҚАНД-Д-НАВБАХОР	21 май (шанба)	НАСАФ-ТРАКТОР	21 май (шанба)	НАСАФ-ТРАКТОР
5-тур 23 март (якшанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	26 март (шанба)	САМАРҚАНД-НАСАФ	22 июн (шанба)	КИЗИЛКҮМ-НАВБАХОР	22 июн (шанба)	ЛОКОМОТИВ-МЕТАЛЛУРГ
6-тур 24 март (пайшанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	27 март (якшанба)	СЎҒДИЕНА-ТРАКТОР	23 июн (шанба)	ЛОКОМОТИВ-СЎҒДИЕНА	23 июн (шанба)	САМАРҚАНД-Д-БУХОРО
7-тур 25 март (сешанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	28 март (якшанба)	БУХОРО-МАШЪАЛ	24 июн (шанба)	ТУПАЛАНГ-МЕТАЛЛУРГ	24 июн (шанба)	ТУПАЛАНГ-МЕТАЛЛУРГ
8-тур 26 март (пайшанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	29 март (якшанба)	ТУПАЛАНГ-ШҶРТАН	25 июн (шанба)	УЗБЕКИСТОН КУБОГИ	25 июн (шанба)	УЗБЕКИСТОН КУБОГИ
9-тур 27 март (сешанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	30 март (якшанба)	ЛОКОМОТИВ-ПАХТАКОР	26 июн (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	26 июн (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д
10-тур 28 март (пайшанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	31 март (пайшанба)	НЕФТЧИ-КИЗИЛКҮМ	27 июн (шанба)	1 май (якшанба)	27 июн (шанба)	НАСАФ-НЕФТЧИ
11-тур 29 март (сешанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	1 апрел (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	28 июн (шанба)	2 май (душанба)	28 июн (шанба)	ШҶРТАН-МЕТАЛЛУРГ
12-тур 30 март (якшанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	2 апрел (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	29 июн (шанба)	3 май (шанба)	29 июн (шанба)	ШҶРТАН-МЕТАЛЛУРГ
13-тур 31 март (пайшанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	3 апрел (сешанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	30 июн (шанба)	4 июн (шанба)	30 июн (шанба)	КИЗИЛКҮМ-ПАХТАКОР
14-тур 1 апрел (шанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	4 апрел (сешанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	1 июл (шанба)	5 июн (шанба)	1 июл (шанба)	НАСАФ-НЕФТЧИ
15-тур 2 апрел (якшанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	5 апрел (сешанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	2 июл (шанба)	6 июн (шанба)	2 июл (шанба)	ЛОКОМОТИВ-МЕТАЛЛУРГ
16-тур 3 апрел (пайшанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	6 апрел (сешанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	3 июл (шанба)	7 июн (шанба)	3 июл (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д
17-тур 4 апрел (шанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	7 июн (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	4 июл (шанба)	8 июн (шанба)	4 июл (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д
18-тур 5 апрел (пайшанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	8 июн (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	5 июл (шанба)	9 июн (шанба)	5 июл (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д
19-тур 6 апрел (шанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	9 июн (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	6 июл (шанба)	10 июн (шанба)	6 июл (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д
20-тур 7 апрел (пайшанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	10 июн (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	7 июл (шанба)	11 июн (шанба)	7 июл (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д
21-тур 8 апрел (шанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	11 июн (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	8 июл (шанба)	12 июн (шанба)	8 июл (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д
22-тур 9 апрел (пайшанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	12 июн (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	9 июл (шанба)	13 июн (шанба)	9 июл (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д
23-тур 10 апрел (шанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	13 июн (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	10 июл (шанба)	14 июн (шанба)	10 июл (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д
24-тур 11 апрел (пайшанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	14 июн (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	11 июл (шанба)	15 июн (шанба)	11 июл (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д
25-тур 12 апрел (шанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	15 июн (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	12 июл (шанба)	16 июн (шанба)	12 июл (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д
26-тур 13 апрел (пайшанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	16 июн (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	13 июл (шанба)	17 июн (шанба)	13 июл (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д
27-тур 14 апрел (шанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	17 июн (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	14 июл (шанба)	18 июн (шанба)	14 июл (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д
28-тур 15 апрел (пайшанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	18 июн (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	15 июл (шанба)	19 июн (шанба)	15 июл (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д
29-тур 16 апрел (шанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	19 июн (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	16 июл (шанба)	20 июн (шанба)	16 июл (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д
30-тур 17 апрел (пайшанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	20 июн (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	17 июл (шанба)	21 июн (шанба)	17 июл (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д
31-тур 18 апрел (шанба)	Ж4-2006 Саралаш учрашуви	21 июн (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д	18 июл (шанба)	22 июн (шанба)	18 июл (шанба)	САМАРҚАНД-Д-САМАРҚАНД-Д

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

ИВМ компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» наширёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.